

«MA'QULLANGAN»  
O'zbekiston Respublikasi  
Sog'liqni saqlash vazirligi  
huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini  
rivojlantirish agentligining  
«Dori vositalari, tibbiy buyumlar va  
tibbiy texnika ekspertizasi va  
standartlashtirish davlat markazi» DUK  
«12» avgust 2019 y. № 14

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

### ГЕРБИОН® СИРОП ИСЛАНДСКОГО МХА

**Препаратнинг савдо номи:** Гербион® сироп исландского мха.

**Таъсир этувчи моддаси (ХПН):** Исланд лишайники экстракти.

**Дори шакли:** сироп

**Таркиби:**

1 мл сироп сақлайди:

*фаол модда:* 6 мг исланд мохининг қуюқ экстракти (*Cetraria islandica* (L.) Acharius s.l., tallus), 96 мг-108 мг исланд мохига эквивалент.

*Экстракцион эритувчи:* сув.

*ёрдамчи моддалар:* суюқ сорбитол (кристалланмаган) (E420), ксантан камеди (E415), натрий бензоати (E211), лимон кислотаси моногидрати (E330), лимон хушбўйи (таркиби: лимон мойи, этанол (E1510), сув, лайм мойи, хушбўй модда, *Litsea cubeba* цитраль таббий экстракти).

**Таъриф:** ўзига хос хид ва таъмга эга бўлган сарғиш-жигаррангдан то жигарранг ранглигача бўлган сироп. Бир оз опалесценция бўлишига йўл қўйилади. Таббий моддалар учун хос бўлган енгил чўкма кузатилиши мумкин.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** балғам кўчирувчи моддалар билан мажмуалардан ташқари, йўталга қарши восита.

**АТХ коди:** R05D.

#### Фармакологик хусусиятлари

##### Фармакодинамикаси

Гербион® сироп исландского мха препарати исланд мохининг юмшоқ экстрактини сақлайди, у иммуностимулловчи, антибактериал ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. Исланд мохининг асосий ингредиентлари сувда эрувчи полисахаридлар, асосан лихенин ва изолихенин шаклидаги шилимшиқ, шунингдек лишайникнинг аччиқ кислоталари хисобланади. Полисахаридлар юқори нафас йўлларининг шиллик қаватларини қоплайди ва шиллик қаватининг юзасига тинчлантирувчи таъсир қилувчи химоя қаватини ҳосил қилади, шу билан ташқи омиллар чақирган таъсирланишга ёрдам берувчи қуруқ йўтални енгиллаштириб, йўтал рефлексини бостиради. Шунингдек шилимшиқ шиллик қаватининг юзасидаги сувни боғлайди ва оғиз бўшлиғи ва томоқнинг таъсирланган шиллик қаватига махаллий хўлловчи таъсир кўрсатади.

Исланд мохи экстрактининг антиоксидант таъсири, алохида ингредиентлар  $\alpha$ -D-глюкан ва галактоманнаннинг иммуностимулловчи самараси, шунингдек лишайникнинг протолихестерин кислотасининг антибактериал, антивирус ва антипролифератив таъсири *in vitro* текширишлар давомида кўрсатилган.

##### Фармакокинетикаси

Исланд мохи экстрактининг фармакокинетик хусусиятлари хақида маълумот йўқ.

## **Хавфсизликнинг клиникагача текширишларнинг маълумотлари**

in vitro текширишларда протолихестерин кислотаси сут беzi хужайраларининг тўқима культурасига токсик таъсир кўрсатмаган.

### **Қўлланилиши**

Гербион® сироп исландского мха ўсимлик келиб чиқишга эга бўлган препарат бўлиб, куйидагиларда тавсия этилади:

- куруқ таъсирловчи йўтал;
- юқори нафас йўллариининг енгил яллиғланиши ва оғиз-томоқ шиллиқ қаватининг таъсирланиши, шу жумладан хириллаш ва томоқ оғриғи.

Исланд мохининг экстракти катта миқдорда сувда эрувчи шилимшиқ сақлайди, у оғиз бўшлиғи ва томоқ шиллиқ қаватини ўраб олади, химоя қилади ва хўллайди ва таъсирланиш ва куруқ йўтални камайтиради.

Агар касалликнинг симптомлари емонлашса ёки 7 кун давомида яхшиланмаса, шифокорга мууроажат этинг.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

*Катталар ва 16 ёшдан ошган ўсмирлар:* 15 мл сиропдан кунига 4 маҳал (360 мг куруқ исланд мохига мос келади).

*10 дан 16 ёшгача бўлган болалар:* 10 мл сиропдан кунига 4 маҳал (240 мг куруқ исланд мохига мос келади).

*4 дан 10 ёшгача бўлган болалар:* 5 мл сиропдан кунига 4 маҳал (120 мг исланд куруқ исланд мохига мос келади).

*1 дан 4 ёшгача бўлган болалар:* 2,5 мл сиропдан кунига 4 маҳал (60 мг куруқ исланд мохига мос келади).

Гербион® сироп исландского мха сиропи янги туғилган чиқалоқлар ва бир ёшга тўлмаган болаларга тавсия этилмайди.

Гербион® сироп исландского мха препаратини қабул қилгандан кейин дархол овқат ёки ичимликларни қабул қилиш тавсия этилмайди, чунки бу оғиз бўшлиғи ва томоқ шиллиқ қаватидан сиропни жуда тез йўқотилишига ёрдам бериши мумкин.

Гербион® сироп исландского мха препарати билан даволашда чой ёки бошқа илик ичимликлар кўринишида кўп суюқлик ичиш тавсия этилди, лекин уларни препарат қўлланганидан кейин дархол қабул қилиш керак эмас.

Препаратни қўллаш курси касалликнинг оғирлиги ва характериға боғлиқ ва узоқ муддатли узулуксиз давр давом этиши мумкин. Касалликнинг симптомлари йўқолганидан кейин препаратни бирнеча кун давомида қабул қилишни давом эттириш тавсия этилади.

Истеъмол қилиш олдидан флакон чайқатилсин!

### **Ножўя таъсирлан**

Гербион® сироп исланд Цетрарии препарати билан даволаш даврида пайдо бўлиши мумкин бўлган нохуш кўринишлар, пайдо бўлиш тез-тиезлиги бўйича куйидаги гурухларга бўлинади: жуда тез-тез ( $\geq 1/10$ ), тез-тез ( $\geq 1/100$  дан  $\leq 1/10$  гача), тез-тез эмас ( $\geq 1/1000$  дан  $\leq 1/100$  гача), кам ( $\geq 1/10000$  дан  $\leq 1/1000$  гача), жуда кам ( $\leq 1/100000$ ), номаълум (бор бўлган маълумотлар баҳолаш учун етарли эмас).

Нохуш кўринишларнинг пайдо бўлиш тез-тезлиги алохида тизимлар ва аъзолар бўйича гурухланган:

*Иммун тизими томонидан бузилишлар:* юқори сезувчанлик реакцияси

Оғир нохуш реакциялар ривожланганида даволашни тўхтатиш керак.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратнинг фаол ёки ёрдамчи моддаларига юқори сезувчанлик.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Гербион® сироп исландского мха препаратини бошқа дори воситаларининг самарадорлигига таъсири ҳақида хабар берилмаган. Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсирининг текширишлари ўтказилмаган.

### **Махсус кўрсатмалар**

Хансираш, сурункали йўтал, хириллаш, қонли балғам пайдо бўлган холда, шунингдек харорат кўтарилганида, дархол шифокор ёки фармацевтга мурожаат қилиш керак.

7 - 14 кун даволашдан кейин яхшиланиш бўлмаса, шифокорга мурулжаат қилиш керак.

1 дан 4 ешгача бўлган болаларга препаратни фақат шифокор тавсиясига кўра бериши керак. Гербион® сироп исландского мха сиропини болаларга бериш фақат ота-оналарга ёки уларга қарайдиган катталар бериши мумкин.

Гербион® сироп исландского мха препарати сорбитол сақлайди. Камдан-кам учрайдиган фруктозани наслий ўзлаштираолмаслиги бўлган пациентларга, ушбу препаратни қабул қилиш тавсия этилмайди.

Ушбу дори воситаси кўп бўлмаган миқдорда, дозага 100 мг дан карок, этанол (спирт) сақлайди.

### ***Хомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши***

Исланд мохининг экстрактини хомиладорлик ва лактация даврида қўллаш бўйича клиник маълумотларнинг етарли бўлмаганлиги туфайли, сиропни хомиладор ва эмизувчи аёлларни қабул қилиши тавсия этилмайди.

### ***Автотранспорт ва бошқа мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири***

Гербион® сироп исландского мха препаратини транспорт воситаларини бошқариш ва диққатни юқори жамлашни ва психомотор реакциялар тезлигини табал қилувчи техник мосламалар билан ишлаш қобилиятига таъсири бўйича маълумотлар йўқ.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Тавсия этилган дозаларни ошириш мумкин эмас. Дозани ошириб юборилиш холлари ҳақида хабар берилмаган.

### **Чиқарилиш шакли**

150 мл дан сироп суюқликни бўлувчи пластмасса тиқин билан беркитилган ва биринчи очиш назоратили пластмасса қопқоқ билан ёпилган тўқ шиша флаконда.

1 флакон ўлчов қошиғи ва қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойланган.

### **Сақлаш шароити**

30°C дан юқори бўлмаган хароартда сақлансин.

Флакон очишдан олдин ва кейин совутгичда сақланмасин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати**

2 йил.

Сиропни флакон очилганидан кейин 3 ой давомида ишлатиш керак.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи:**

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

«КРКА, д.д., Ново место» нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўчаси, 14

Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929, телефакс: +99871 150 1044